


Қайднома тури маълумотларини бошқариш

Қайднома тури маълумотини кўриш

Қайднома тури маълумоти вазирлик ахборот тизими билан интеграция қилиш натижасида ҳосил бўлади. Яъни қайднома тури вазирлик ахборот тизимида шакллантирилади, сўнгра ОТМ ахборот тизими кўринади. Қайднома турини кўриш **O'quv jarayoni / Qaydnama turi** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).




1-расм. Қайднома турлари рўйхати

Қайднома турлари рўйхатида ўкув жараёнига тегишли барча қайдномаларни кўриш мумкин. Қайдноманинг янги тури пайдо бўлса у вазирлик ахборот тизимида шакллантирилади.

Қайдномани таҳрирлаш

Қайдномани таҳрирлаш учун қайднома турлари рўйхатидан тегишли қайднома тури танланади ва натижада қайднома маълумотлари таҳрирлаш майдонларига юкланади (2-расм).



2-расм. Қайдномани таҳрирлаш

Қайдномани таҳрирлаш ойнасида фақат қайдноманинг номини таҳрирлашга рухсат бор. Шу сабабли қайднома номида хатолик бўлса таҳрирлаш тавсия этилади ва **Saqlash** тугмаси танлаш орқали маълумотлар сақланади.

Бугунги кунда **Фан қайдномаси**, **Курс иши қайдномаси**, **Давлат имтиҳони қайдномаси**, **Малакавий амалиёт қайдномаси**, **Битирув иши қайдномаси** каби қайднома турлари мавжуд. Агар яна бошқа қандайdir қайднома турини яратиш керак бўлса, вазирлик ахборот тизими орқали шакллантирилади.

Эслатма. Қайднома турини ўчиришга рухсат этилмаган. Тизим ўрнатилган вактда қайднома турлари ҳам автомат шаклланади. Агар бирор бир хатолик бўлмаса қайднома турлари таҳрирлаш мумкин эмас.